

МАМЛАКАТ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Ахунова Шохиста Номанжановна
Фарғона политехника институти доценти
E-mail: shohista1975@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни ва иқтисодий тармоқлардаги иқтисодий ҳолатлари чуқур таҳлил қилиниб, унинг миллий иқтисодиётни барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти баён этилган.

Аннотация: В статье глубоко проанализировано значение малого бизнеса и частного предпринимательства в экономике Республики Узбекистан, её состояние отраслях экономики, со стороны автора даны предложения и рекомендации по её развитию в национальной экономике.

Abstract: The article deeply analyzes the importance of small business and private entrepreneurship in the economy of the Republic of Uzbekistan, its state of the economy, the author offers suggestions and recommendations for its development in the national economy.

Калим сўзлар: кичик бизнес, тадбиркор, ишсизлик, бандлик, иқтисодий барқарорлик, иқтисодий тармоқлар.

Кириш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп ва йирик маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий беқарорлик ва ресурслар чегараланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар бозор талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди.

Шунингдек, кичик бизнес янги иш ўринларини яратиши билан ўсиб боровчи ишсизлик муаммосини юмшатади. Бу эса ўз навбатида республикамиз аҳолисининг 60% дан ортиғи қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга олсак, ушбу соҳани ривожлантириш ва тараққий этишини таъминлаш ҳозирги кунда энг муҳим долзарб ижтимоий-иқтисодий масала эканлиги ёрқин намоён бўлади.

Бу борада барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларнинг кўламига қарамадан бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига кичик бизнесни ривожлантиришнинг илғор хорижий тажрибаларини татбиқ этиш,

уларининг ўзига хос илмий-услугий асосларини ўрганиш, келгусидаги истиқболли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташқи ва ички омилларини аниқлаш лозим. Шу нуқтаи назардан, республикамизда реал сектор тармоқларининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини истиқболдаги изчил ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мазмун моҳияти, уни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни ҳамда аҳамияти тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, В.Долянинг “Энциклопедия бизнесмена” луғатида «Тадбиркор дегани янги бир ишга қўл уриш, уни бажаришга киришиш, қандайдир каттароқ ишларни амалга оширишдир»[1]-деб таъриф берилган бўлса, Р.Хизрич ва М. Питерслар “Тадбиркор, яъни ўйлаб иш кўрувчи киши - корхона ишини юргизишга мойил, қобилиятли, катта ҳажмдаги ишларга қўл ура оладиган, жасур, чўрткесар ва бундай ишларга ботир бўлган кишидир»[2]-деб атаганлар.

Россиялик олимлардан А. Г.Аганбегян иқтисодиётда кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётда маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, бойлик яратувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига оладиган соҳа эканлиги аммо, унга молия-кредит, биржа фаолияти кирмаслигини таъкидлаган[4] бўлса, А. Комов ўзининг “Русское экономическое общество” журналида берган илмий мақоласида кичик бизнес субъектларини иқтисодиётнинг йирик таркибий қисми эканлиги ва унинг ривожланишида кредит тизимининг аҳамияти тўғрисида фикр юритган[3]. Умуман олганда, кишининг тадбиркорлик ҳолати - бу ташаббускорлиги, новаторлиги, манфаатдорлиги, ишга эскича эмас, янгича ёндашишдир.

Тадқиқот методологияси

Мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун мақолада улар фаолиятини тизимли ҳамда қиёсий таҳлил қилиш, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш каби усуллардан фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланди. Кичик бизнес корхоналари бозор иқтисодиётига хос турли макроиқтисодий шарт-шароитлар ва талабларига мослашиши имкониятларига эгаллиги билан устувор аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиёти натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши сўнгги йилларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини оширишда кузатиш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1-расмда келтирилган маълумотларга асосан Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши 2010 йилда 52,5 фоизни ташкил этган бўлса ушбу кўрсаткич 2016¹ йилга келиб ўтган 2015 йилга нисбатан 0,4 фоиз ошириб 56,9 фоизга етди ва 2000 йилда 31,0 фоизга тенг бўлган бўлса, бугунги кунда 1,8 баробар кўпроқ ошди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самараси бўлиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишига унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бораётганлигидан деб изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили

¹ 2016 йилги статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари бўйича берилган.

сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Шунингдек, республикада бизнесни фаоллаштириш бўйича чора-тадбирлар янги кичик корхоналар ва микрофирмаларни пайдо бўлишига, энг муҳими янги иш ўринларини яратишга ҳисса қўшди.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар сони

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-расм маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар сони 2010 йилда 8643,9 минг кишини ташкил этган. 2016 йилда эса, 2015 йилга нисбатан дастлабки маълумотларга асосан 222,1 минг кишига ошиб, 10392,5 минг нафарга етди. Бу эса ўз навбатида ишсизлик муаммосини ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётида ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусияти шуки, унинг учун минтақавий омилар қоида тариқасида, инвестициялар жалб этиш жараёнига таъсири жиҳатидан устунлик қилади. Инвестициявий муҳит таҳлилини тармоқлар бўйича олиб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтиш керак. Чунки, ижобий инвестициявий омилар турли тармоқлар учун ўзига хос жиҳатларга эга. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда иш муҳитини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар фаол давом эттирилмоқда.

Бу эса ўз навбатида иқтисодиёт тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига, унда фаолият кўрсатувчи кичик бизнес субъектлар сонини ортишига олиб келмоқда. Натижада, саноат ишлаб чиқаришда, қурилишда, чакана савдо айланмасида ва аҳолига пуллик хизматларда кичик тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши таъминланди (3-жадвал).

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида саноат маҳсулотлари ишлаб

чиқариш ҳажми 2011 йилга нисбатан 5,5 баробар ошиб, 50020,8 млрд. сўмга тенг бўлди. Худди шу каби 2016 йилда 2011 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 баробар, қурилиш тармоқларида бажарилган ишлар 3,2 баробар ўсиб, мос равишда 47577,5 млрд. сўм ва 20677,7 млрд. сўмни ташкил этди.

3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқларида бажарган ишлари ҳажми (млрд. сўм)

Йиллар	Саноат маҳсулотлари ҳажми	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми	Қурилишда бажарилган ишлар ҳажми	Жами кўрсатилган хизматлар ҳажми
1	2	3	4	5
2011	9246,2	20935,2	6524,2	18861,9
2012	11795,2	26578,3	8355,7	23922,0
2013	18072,0	33502,6	10882,9	32035,4
2014	23808,5	38948,7	13944,9	42157,8
2015	39643,5	41591,3	16954,0	49269,2
2016	50020,8	47577,5	20677,7	58384,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Бу ўзгариш айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолига жами кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўзгаришида кузатилди яъни, 2011 йилда 18861,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 11,8 фоиз ошиб, 58384,6 млрд. сўмга етганлиги иқтисодийётнинг барқарор ўсишида кичик бизнес субъектларининг ривожланиб келаётганлигидан далолатдир

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, баъзи ҳолларда бир тармоқда ижобий роль ўйнаши мумкин бўлган омиллар бошқа тармоқ учун салбий бўлади ёки агар муайян тармоқ учун бирон-бир кўрсаткич етарли даражада намоён бўлса, шу кўрсаткичнинг ўзи бошқа тармоқнинг муваффақиятли ривожланиши учун мутлақо кам бўлиши мумкин. Бу борада гап соҳа ривожланишида унга киритилиши лозим бўлган инвестициялар тўғрисида бормоқда. Чунки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик учун тармоқлар бўйича инвестиция муҳити алоҳида қизиқиш туғдиради.

Кичик бизнес учун ўзига хос баъзи кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва инфратузилмасини ривожлантиришнинг минтақавий кўрсаткичи;

- эгаллаб турган бозор секторлари бўйича (масалан, хизматлар ёки савдо соҳасида) рақобатлашувчи йирик фирмаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси;

- маҳаллий банк тизимининг ривожланиш даражаси ва бошқа омиллар.

Кичик корхоналар ўзларига хос хусусиятлар туфайли инвестиция ресурсларини жалб этиш учун хизмат қиладиган кўп сонли манбаларнинг

айримларидангина фойдалана оладилар. Масалан, шуни қайд этиш керакки, кичик тадбиркорликдаги ички молиялаш манбалари тадбиркор ўзини-ўзи инвестициялаши учун берадиган имкониятлар йирик фирмаларнинг имкониятлари даражасида эмас. Шунга қарамай, бу манбалардан кичик тадбиркорликда фойдаланиш сезиларли самара беришга қодир бўлиб, жалб этиш самарадорлиги жиҳатидан бир қанча афзалликларга эга.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, ушбу эришган ютуқларимизни янада кўтариш ҳеч бўлмаганда шундай ижобий ҳолатда сақлаб қолиш ва соҳа ривожланишини амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнесни ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- иқтисодий жиҳатдан қолоқ қишлоқ аҳоли пунктларида кичик бизнес учун солиқ ва бошқа имтиёзларини жорий этиш;
- кичик бизнес корхоналарини давлат эҳтиёжлари учун зарурий ишларни бажаришга жалб этиш, турли пудрат ишларига иштирокини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган товарларни ички ва ташқи бозорларда сотишга ёрдам бериш;
- бозор инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда йирик шаҳарларда фаолият кўрсатувчи бозор инфратузилмаси субъектларининг филиалларини ташкил этишни рағбатлантириш;
- кичик бизнес соҳасида ишловчиларни ўқитиш учун бизнес-мактаблар касбий маҳорат мактаблари тармоғини кенгайтириш;
- кичик корхоналарнинг хомашё, асбоб-ускуна, технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Доля В. Энциклопедия бизнесмена, СГТБ «Алга-Фонд», «Аякс», 2009 г. С-245.
2. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. Перевод с английского, М.: Прогресс, 2010 г
3. Аганбегян А. Г. Модернизация реального сектора экономики // Деньги и кредит. 2010. № 3. С. 6.
4. Комов А. Анализ системы кредитования реального сектора экономики. // Русское экономическое общество. 2013. №141. С. 8.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2012-2016 йиллардаги маълумотлари